

# O'ZBEKISTON

## OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA



• 2006-yil • 25-aprel • Seshanba • 48 (27.540) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

### Ўзбекистон — Ҳиндистон: АЗАЛИЙ ДЎСТ ВА ҲАМКОР МАМЛАКАТЛАР

«Ҳиндистон» деганда ўзига хос ва бетакрор — эртакмонанд дийёр, Бобурийлар даври меъморчилигининг беназир дурдонаси, сеғви ва вафо рамзи, муҳаббат қасри бўлмиш Тож Маҳал ёдгорлиги, мамлакатнинг оққўнгил, санъатсевар, инсон қалбига жо бўладиган буюк туйғу — муҳаббатни юксак қадрлайдиган, уни бутун жону дили билан тараннум этадиган дўст хинд халқи кўз олдимизда намоён бўлади.

Ҳиндистонни, унинг халқи ва маданиятини ўзбекистонликлар яхши билишади. Чунки азал-азалдан икки мамлакат халқларини ўзаро яқинлик, дўстлик ришталари боғлаб келди. Шунинг учун бўлса керак, икки халқ урф-одат ва миллий маданиятларида муштарак жиҳатлар талайгина.

Маълумки, Ҳиндистон аҳолиси сонининг кўпчилиги жиҳатида дунёда иккинчи ўринда туради. Уттан йилги маълумотларга қараганда, мамлакат нуфузи 1 миллиард 80 миллион кишини, унинг ўсиши ҳажми эса йилга 1,85 фоизни ташкил этади. Аҳолининг 73 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

Шу билан бирга, Ҳиндистон кўп миллатли давлатдир. Мамлакатда 500 дан ортиқ миллат ва эллат вакиллари яшайди, улар

200 хил тил ва шевада сўзлашади. Аҳолининг 82,7 фоизи ҳиндуизм, 13,8 фоизи ислом, 2,4 фоизи насронийлик динига эътиқод қилади, сиклар — 1,9, буддавийлар эса 0,8 фоизни ташкил этади.

Ҳиндистон Федератив давлат, яъни шатлар иттифоқидан ташкил топган мамлакатдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Бирок Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўзаро муносабатлар янгича мазмун-моҳият касб этиб келди.

3-бет

#### Қарор ва ижро

## ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг автомобиль транспортда йўловчи ташиш хавфсизлигини ва хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришга қаратилган Фармон ва қарорларининг қабул қилиниши мамлакатимизда халқимиз фаровонлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган яна бир хайрли ишлардан бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УЗА муҳбирининг ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Абдулла ҚҮЛДОШЕВ билан суҳбат мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасидаги ишлар хусусида бўлди.

— Мамлакатимизда транспорт воситалари сони қунадан-қунага ортиб борапти, — дейди А.Қулдошев. — Бу, аввало, халқимиз фаровонлигининг тобора юксалиши, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатининг яхшилангани, юртимизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Шу боис шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида энгил автомашиналар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпаймоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, хизмат тизimini замонавий технологиялар асосида ташкил этиш билан боғлиқ қатор вазифаларни ўртага қўймоқда.

Иўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибати юртимиз иқтисодиёти ҳамда жамиятнинг маънавий ҳаётига муайян зарар етказиши билан боғлиқ. Шунинг учун бундай ҳодисаларнинг олдини олиш муҳим вазифалардан дир.

Юртимизнинг фуқароларимиз ҳаёти хавфсизлиги ва саноатлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш, автомобиль транспортда хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришни кўзда тутиб Фармон ва қарорларда вазирлигимиз олдида қатор муҳим ва долзарб вазифалар қўйилган. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчи транспорти соҳасидаги қондабузарликларнинг олдини

3-бет



## ЎЗБЕКISTON ҚАҲРАМОНИ

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами арафасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи технологик қурилмаси механиги Ботир Темиров «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Бу хушxabар ўшанда бутун вилоят ахлини айникса, у меҳнат қилаётган жамоа аъзоларини ғоят мамнун этди.

Ботир Темиров Фарғона политехника институтида муҳандис-механик соҳаси бўйича олий маълумот олиб, мазкур заводда иш бошлаганига

қарийб 35 йил бўлмоқда. У кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида уста, технологик қурилма механиги, техника назорати муҳандиси вазифаларида ишлади. Ҳозир эса Россия ва Чехия мутахассислари билан биргаликда лойиҳалаштирилган технологик қурилмада механик лавозимида меҳнат қилаётир. Мазкур қурилманинг йиллик қуввати 600 минг тонна паст октанли бензинни қайта ишлаб, қадри сифатли автомобиль ёнилғисини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Айтиш жоиз, Ботир Темиров мазкур қурилманинг

барпо этилиши ва ишга туширилиши фаолларидан бўлди. Бугунги кунда қурилма корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқаришида асосий технологик жараёни бажаришини ҳисобга олсак, унинг доимо сазоворлиги ва сифатли маҳсулот тайёрлашида механикнинг меҳнати беқиёсلىги яққол аён бўлади.

Суратда: Ўзбекистон Қаҳрамони Ботир Темиров шогирдлари даврасида.  
М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

#### Эртага — Амир Темур ордени таъсис этилган кун

## ЮРТ КЎКСИДАГИ ИФТИХОР

АМИР ТЕМУР ОРДЕНИ ТАЪСИС  
ЭТИЛГАНИГА ЎН ЙИЛ ТЎЛДИ



Олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, қадриятлари, миллий аъзолари, миллат ифтихорига айланган улғу зотлар сиймоси акс этади. Мустақиллик йилларида юртимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ана шундай давлат мукофотлари, ордени ва медаллари таъсис этилди. Улардан бири Амир Темур орденидир.

Истиқлол ўтмишимиз, аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, уларнинг бой маънавий меросига ҳолисона ва ҳаққоний ёндашиш имконини берди. Қўллаб-қувватлашимиз сингари Соҳибқирон Амир Темур сиймосига ҳам муносабат ва қарашлар ўзгарди. У бугунга келиб миллат тимсолига, халқимизнинг фахру гурурига айланди.

1996 йилда буюк бобоқалонимиз таваллудининг 660 йиллиги халқро миқёсда кен нишонланди. Бу Ўзбекистоннинг тарихимиз ва улғу аждодларимизнинг яна бир жаҳоний эътирофи эди. Ана шу кўтуғу сана арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Амир Темур ордени таъсис этилди.

Орден марказида Соҳибқироннинг от устидаги улғуввор киёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса, бобомизнинг ўз ҳаётида қатъий амал қилган широр — «Куч — адолатда» сўзла-

ри битилган. Айни пайтда бу ҳикмат нафақат улғу бобомизнинг, балки бугунги давлатимиз сиёсатининг ҳам туб мазмун-моҳиятини ўзида ифодалади.

Низомга мувофиқ, Амир Темур ордени билан давлатчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида хисса қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

Тарихдан маълумки, Самарқанд ва Шаҳрисабз Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятида кенг ўрин тутган. У кўна Кешида таваллуд толиб, воёга етган бўлса, Самарқандда ва фаолиятининг пойтахтига айланган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб-яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти икклима машҳур обидалар барпо эттирган. Уларда Амир Темур ва Темурийлар даврида қурилган тарихий ёдгорликлар бугун барча юрдошларимиз қалбига чексиз гурур, хорижлик сайёҳларда эса, қатта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келади.

Мустақиллик йилларида ҳам бу шаҳарлар ўзгача чирой очди. Янги-янги иморатлар, замонавий иншоотлар уларнинг кўрқига кўрк қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан, 1996 йилнинг 28 август кўни Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги арафасида Андихон вилояти ҳам ана шундай юксак мукофот билан тақдирланган.

2004 йилнинг 13 июль кўни юртимиз тарихида илк бор ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов шохмўт бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Унинг бу юксак галабаси Юртбошимиз томонида муносиб баҳоланди — Рустам Қосимжонов Амир Темур орденига сазовор бўлди.

Бу йил мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зеро, асрлар ўтса-да, улғу саркарданнинг Ватан, халқ олдидаги улкан хизматлари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Унинг улғувор, сиймоси барчамизни янгидан-янги зафарларга, ютуқларга ундовчи куч-қудрат манбаи, буюклик, ҳурлик ва мангулик тимсоли бўлиб қолаверди.

Рустам ҚОСИМЖОНОВ,  
ЎЗА Шаҳрхоловчиси

#### ЎЗХДП ҳаёти

## ТАШАББУС ЙЎҚ ЖОЙДА ИШ ҲАМ, ОБРЎ ҲАМ БЎЛМАЙДИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИНИНГ III ПЛЕНУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ШУНДАЙ ФИКРНИ ОЛДИНГА СУРДИЛАР

Пленум ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Иштирокчилар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ҳамда самарадорлигини ошириш борасида вилоят партия кенгаши олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар. Қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда хали бу масалада жиддий нуқсонлар мавжудлигига ўрғу берилди. Хусусан, ЎЗХДП Арнасай, Пахтакор, Бахмал, Зафаробод туман кенгашларининг жамоатчилик қабулхоналари ишларини ташкил этиш, ички партиявий интизоми мустаҳкамлаш, аъзоларни қайта рўйхатдан ўтказиш, депутатлик гуруҳлари фаолигини ошириш борасидаги ишлари талаб даражасида эмаслигига эътибор қаратилди. Айрим бошланғич партия ташкилотларидаги аҳолига алоҳида эътибор қаратилган, етти икклима машҳур обидалар барпо этилган. Уларда Амир Темур ва Темурийлар даврида қурилган тарихий ёдгорликлар бугун барча юрдошларимиз қалбига чексиз гурур, хорижлик сайёҳларда эса, қатта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келади.

Мустақиллик йилларида ҳам бу шаҳарлар ўзгача чирой очди. Янги-янги иморатлар, замона-

вий ишларнинг самарали тизimini яратиш бўйича қўйилган вазифаларни бажариш, партиянинг ўз электорати билан ишлашини сифат жиҳатдан янги, юқори поғонага кўтариш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар, таклифлар айтидилар, вилоят кенгаши ижроия кўмитасининг ўтган йилги фаолиятига баҳо бердилар.

Парда ЗИЁТОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Махлис Сенати аъзоси, Жиззах туманидаги «Кўшсева Парда» фермер хўжалиги раҳбари:

— Мақсадимиз аниқ, аммо ишларимиз шунга мос бўлаётгани, деган савол пайдо бўлади. Яширишнинг кераги йўқ: партия электоратига дастурий мақсадларимизни тушунтириш чоғида партияимиз мафқураси афзалликларига ишонтиришнинг энг яхши йўли, бу — ташаббус кўрсатиш, шахсий намуна бўлиш эканлигини кўзда тутиб қўяётганга ўхшаймиз. Жойларда маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигимизни ҳам яхши, деб айтолмаймиз. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловларига ҳозирлик қўрилаётган айтиш кунларда бу жараёнинг партияимиз учун муҳимлигига аҳамият

беришигизни сўрадим.

Эркин ИМОННАЗАРОВ, Жиззах шаҳар Кенгаши депутати, шифокор:

— Партияимиз меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш тарафдори. Жойларда эса очик ва яширин исизлик муаммолари мавжуд. Биргина Жиззах шаҳрини олайлик. Шаҳарда пайпоқ тўқув, ип-йигирув фабрикалари, шаҳар чеккасида эса паррандачилик комплексида қўшимча иш жойлари яратиш имкониятлари етарли. Нега депутатларимиз шу тўғрисида гапирмайди? Партияимизнинг шаҳар, туман, вилоят кенгашлари нима учун сукут сақлашмоқда?

Акрон ИНОМОВ, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутати гуруҳи раҳбари, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири:

— Айрим қишлоқларда аҳолини табиий газ, электр энергияси ва айникса, тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг аҳолини аниқ ташвиши бўлиб турибди. Шу тармоқларнинг мутасаддиларини чақириб, улар билан масаланинги моҳияти, режалар хусусида фикрлашиб, гаплашиб олайлик, биргаликда муаммолар ечимини (оқсоқоллари) сайловларига ҳозирлик қўрилаётган айтиш кунларда бу жараёнинг партияимиз учун муҳимлигига аҳамият

майди. Очиғини айтганда, унинг фаолиятида ташкилотчилик, ташаббускорлик етишмаётир.

Ҳаким НОМОНОВ, ЎЗХДП Мирзачўл туман кенгаши раиси:

— Очиғи, кейинги пайтда фаолиятимиз бироз сустлашгани бор гап. Яқин 5-6 ой ичида вилоят миқёсида бирон-бир муҳим сиёсий тадбир ўтказилмагани ҳам шундан бўлса керак. Ўтказилган семинарлар, йиғинлар эса кўпинча номига бўлапти: улар бир хилда, зериқарли ўтади, ҳар гал муайян одамларгина иштирок этади, маълум одамлар сўзга чиқибди, деярли бир хил гаплар тақдорланган. Бу нима? Биздаги бурч ва масъулият хисси қани?

Гавҳар ЖУМАОБОВА, Фаллаорол туманидаги Фафур Гулом номли маҳалла худудий партия ташкилотчи етакчиси:

— Хисобимизда 36 нафар партия аъзоси бўлиб, шундан 13 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Уларни иш билан таъминлаш, касаначилик, уй меҳнатини йўлга қўйиш масалаларига аҳамият бераёلمиз. Масалан, фаол аёлларимиздан Зулфия Самадова туман партия кенгаши кўмағида бир миллион сўм имтиёзли кредит олиб, паррандачиликни йўлга қўйди ва 6 кишини иш билан таъминлади.

ХДП аъзоси Гулнора Маъдиеванинг ташаббуси билан эса 25 нафар хотин-қиз ишли бўлди ва бугун улар касаначилик билан шуғулланишапти. Булар ҳаммаси яхши. Аммо, вилоят партия кенгашидагилар, ХДПдан сайланган депутатларимизнинг тезтез қишлоқларга, маҳаллаларга боришини, аҳоли билан учрашувлар, жонли мулоқотлар ўтказишини истардим. Афсуски, бу масалада ихобий гап айтишим қийин.

Шунингдек, пленумда ЎЗХДП вилоят кенгаши ижроия кўмитасининг ва вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг 2005 йилги фаолияти, партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишнинг бориши билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. ЎЗХДП вилоят кенгаши раиси Тойир Аҳмедов ўз арасига кўра вазифасидан озод этилди. Муқаддам ХДП Жиззах шаҳар кенгаши раиси лавозимида ишлаб келган Парда Йўлдошев вилоят партия кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Фуломов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

**O'ZSANOATQURILISHBANK**  
KO'PLARNI TANSHADI — MUNOSIBLARINI TANLASHADI!  
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40  
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com  
Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR**  
MULTIPLAK BIRJA MARKAZI  
MILK DORGA HANKOR!  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74  
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz  
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!  
**ПАХТА БАНК** — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР  
Хизматлар лицензияланган

ЎЗХДП ҳаёти

МАФКУРА — ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕЗОНИ

ДЕЙИЛДИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ IV ПЛЕНУМИДА

ЎЗХДП вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков бу борадаги вилоят партия ташкилотлари олдидан турган вазифалар алоҳида тўхтади. ЎЗХДП Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган устувор йўналишлар, вилоят кенгашининг фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Шундан сўнг халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақида депутатлик гуруҳи раҳбари Фармон Тошев сўзга чиқди.

— Депутат жамиятда фаол бўлиши керак, — деди у — Мақтанлиш ёки бўрттириш эмас, халқ депутатлари вилоят Кенгашида ХДПдан сайланган депутатлар ўз салоҳиятига эга. Узоқдан-узоқ мажлислар, ҳисоботлар шарт эмас. Одамлар орасига, халқимиз қалбига чуқурроқ кириб борадиган мақсадли ишга киришилган давр келган.

Пленумда сўзга чиққан ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Фуломов шундай деди: — Партия ҳаётида ҳескин бўрилиш ясаган ЎЗХДП V қурултойининг аҳамияти шундаки, у ЎЗХДПнинг парламент типидagi электрат партияси сифатида узил-кесил шаклланишини мафкуравий жиҳатдан расмилаштирди.

Яъни, аҳолининг ижтимоий адолат, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож қат-

ламлари партиянинг электорати эканлигини аниқ белгилаб берди. Партиянинг дастурий мақсадларини тўшунтириш, қўнчилигини хайрихошлигини қозониш учун фақатгина тadbирлар ўтказишининг ўзи камлик қилади. Аҳолини партия голярига ишонтиришнинг энг яхши йўли, бу — ташаббус кўрсатиб, партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишни таъминлаш эканлигини келиб чиқишимиз лозим. Муаммоларни бартараф этилишида эса маҳаллий Кенгашларда фаолият кўрсатаётган депутатларнинг фаоллиги жуда зарур.

Қизғин баҳс-мунозаралар, очик мулоқот тарзида ўтган пленум иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Тоҳир Ҳамедов, ЎЗХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси:

— Пленум партиянинг ҳар бир аъзоси олдига жуда катта вазифаларни қўйди. Маҳаллий Кенгаш сессияларида сукут сақлаб ўтирган депутатлар партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида астойдил меҳнат қилиши, ташаббус кўрсатиши, керак бўлганда ўз сўровлари билан чиқиши лозимлиги таъкидланди. Каттақўрғон шаҳрида ҳам ўз ечимини қўйиб турган муаммолар йўқ эмас. Пленумда белгиланган вазифалар асосида амалий ишларга кўпроқ эътибор зарур, деб ўйлайман. Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бўйича ЎЗХДП вилоят кенгаши томонидан тасдиқланган дастурга асосан Кат-

тақўрғон шаҳар кенгаши ҳам қатор ишларни амалга оширди. Маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва ўқув юрталарида учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар ўйдирилмоқда.

Ҳасан Нормуродов, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси:

— Бугун бутун дунёда мафкуравий курашлар авжига чиққан. Шундай экан, мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти бўлган партиянинг ҳам ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб жамиятга дадиллик билан ҳаракат қилмоқда. Бу ҳаммаси етарли, жойида дегани эмас. Ўз Дастурида илгари сурилган пишиқ, пухта голяра асосида жамият тарққийтига салмоқли улуш қўшмоқ лозим. Яна шу тақлифи айтмоқчиманки, биз — партия фаоллари, аъзолари ҳадемай мамлакатимиз бўйлаб ўтадиган муҳим сиёсий тadbир, маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёнидан четда турмаслигимиз лозим.

Пленумда ташкилий масала қўрилди. ЎЗХДП вилоят кенгаши тафтиш комиссияси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Вафоев ўз ариза-сига кўра тафтиш комиссияси раиси вазифасидан озод этилди. Вилоят кенгаши қошида ташкил этилган «Экология ва табиати муҳофаза қилиш» марказига Юрий Огннев раис этиб тасдиқланди. Шунингдек, вилоят кенгаши қошида «Доншуманд» оқсоқоллар кенгаши тўзилди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Огоҳлик — давр талаби

Охириги пайтларда тилимизга «очик жамиятлар», «ижтимоий ҳаракатлар», «нодавлат нотижорат ташкилотлар», «жамғармалар», «халқаро ноҳукумат ташкилотлари» каби атамалар кириб келди. Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг жамоат ташкилотларининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни беқиёс даражада ошди. Буларнинг барчаси давлатчиликнинг энг олий демократик шакли бўлмиш фуқаролик жамиятини қуриш йўлида ўзига хос ғов бўлиб майдонга чиқа бошлади. Демак, тарихий тақриб шунини кўрсатмоқдаки, буларнинг барчаси давлатчиликнинг энг олий демократик шакли бўлмиш фуқаролик жамиятини қуриш йўлида ўзига хос ғов бўлиб майдонга чиқа бошлади.

Маълумки, мустақиллигимизнинг илк маърузалариданоқ давлатчиликнинг тарққийтининг аниқ демократик йўли танлаб олинди. Унинг сиёсий қиёфасига чизгилар берилди. Ривожланишнинг миллий ўзбекча модели ишлаб чиқилди ва жамиятимиз ўз тарққийт йўлига эга бўлди. Демократик тарққийтимизнинг пировард мақсади — фуқаролик жамияти, деб белгиланди. Шу билан бирга давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги стратегик вазифалар ҳам аниқ кўрсатиб берилди. Унга кўра, давлат ҳокимияти ваколатлари ва вазифаларини марказдан минтакаларга, шунингдек, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириб бориш лозим.

Бу масала Президентимизнинг кейинги маърузаларида ҳам яна бир бор таъкидланди: «Ишончин қилиб, вақт-соати келиб, бугун ўтиш даври учун зарур бўлган фуқаролик жамияти асослари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади». Бу ерда гап ҳусусан, давлатнинг иқтисодий соҳага, ҳўжалик йортувчи тузилмалари, биринчи навбатда хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал этишда давлат тузилмалари ролини камайтириш ва бу вазифаларни жамоат ташкилотларига топшириш устида бормоқда эди.

Кўриниб турганидек, жамоат ташкилотларининг давлатчилик қўрилишидаги ролли ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Уларни давлат органлари, айна пайтда тижорат ташкилотларидан фарқлаш маъносидан кўпинча «нодавлат нотижорат ташкилотлари» деб ҳам аташди.

Дарвоқе, нодавлат ноҳукумат ташкилотларининг сирили жозибаси қўллаб-қўлланган ҳолда, муаммоларни — жамиятшунослари, сиёсатшунослари, руҳиятшуносларининг эътиборини анчадан бери тортиб келади. Бундай ижтимоий тузилманинг демократик-фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамиятини улар юқори баҳолашади. Бунинг сабаби эса бирмунча маълум: фарб давлатчиликнинг тарихий ривожланиш жараёнида барча ижтимоий ҳўжайраларни ўта давлатлаштириб юборган эди. Мустахкам ҳўқуқий механизм-

лар билан улар шу даражада чандиб ташланган, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар шу қадар расмилаштириб юборилган эдики, кейинчалик буларнинг барчаси давлатчиликнинг энг олий демократик шакли бўлмиш фуқаролик жамиятини қуриш йўлида ўзига хос ғов бўлиб майдонга чиқа бошлади. Демак, тарихий тақриб шунини кўрсатмоқдаки, буларнинг барчаси давлатчиликнинг энг олий демократик шакли бўлмиш фуқаролик жамиятини қуриш йўлида ўзига хос ғов бўлиб майдонга чиқа бошлади.

Давлатлари маблаг ҳисобига ташкил этилмоқда. Иккинчиси, нодавлат ташкилотлари турли ташки қилар таъсирини қўшиб қўлмақда. Бошқача айтганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали ёш мустақил давлатларни ичидан емириш, ўз измига солишга уринишлар бўлапти.

Қузатишлар шунини кўрсатмоқдаки, ёш мустақил давлатларга мафкуравий таъсир кўрсатишда асосан унча усулдан фойдаланилмоқда. Уларнинг биринчиси, ҳар томонлама тақомиллашган ахборот воситалари орқали кен қўлмадаги ахборот майдонини қўлга кириштириш ва «ғоявий юриш»ни амалга ошириш. Ғоявий иммунитетни заифроқ минтақа ва мамлакатларда бу усул тез ва унумли самара беради. Аксинча ҳолатларда, иккинчи усул — нодавлат нотижорат ташкилотлари қўйнига қўл солишга тўғри келади. Бундан кўзланган мақсад нодавлат жамоат ташкилотларига моддий ва сиёсий қалқон бўлиб хизмат кўрсатиш орқали ўз томонига одириш ва уларнинг қўли билан мавжуд сиёсий тизимни издан чиқариш. Ва ниҳоят учинчиси, ҳис-ҳиссийта тўла ёшлар онгини жозибали голяра билан забт этиш ва уларни янги афвакқоққа олиб олиш.

Сир эмас, ўтиш даврини бошидан кечириётган давлатларда жамоат ташкилотлари иқтисодий-молиявий муаммоларга дуч келади ва вазиятдан чиқилишнинг йўлини топишга уринади. Бу эса, ўзларини гоьтада беғараз қилиб кўрсатадиган ташкилотларнинг кўнги кўнги муудоқдор. Бу ҳам иш бермаган ҳолатда, «ҳомийлар» яна бир унумли восита — халқаро нодавлат ташкилотлари, фонд-

лар, очик жамиятлар ва ҳўказолардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Тегишли мамлакатларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларини очиш билан «янги миссионерлар қўшни» туширилади. Уларга мамлакатдаги ижтимоий танглик ва долзарб муаммоларни бурттириб кўрсатиш ва шу билан мавжуд сиёсий тизим нуфузига пу-тур етказиш вазифаси зимдан топшириладики, охири-охири ижтимоий талатўплар қўғи аланга олмоғи лозим. Шу тариқа «рангли инқилоб»лар тўғриси бошланади. Буни ён-атрофимиздаги мамлакатларда содир бўлган воқеалар мисолда ҳам кўриш мумкин.

Халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари расман XX асрнинг иккинчи ярмидан шаклла-

ганлар бу қонуний, демократик нормаларни тан олгиси келмай айюҳаннос солмақда. Шу ўринда қадимги юнонларнинг бир ривояти ёдга тушади: мамлакат ичига кириб олинса, бас, қолганини ҳар қандай йўл билан ҳал қилса бўлади. Айнан ушбу қоидага амал қилиб, ўз таърибаларини ошира бориб, янги усулларни ўйлаб топаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг бир қарашда жозибадор бўлган «сахий»ликларни ортада нималар борлигини англашимиз учун атрофга зийрак қарашимиз лозим бўлади.

Яқинда нуфузли халқаро ташкилотдан дурустгина молиявий хайрия ёрдамини олган нодавлат жамоат ташкилоти раҳбари билан суҳбатлашиб қолдим. Мазкур молиявий ёрдамнинг 80 фоизи халққа ош бериш ва дастурхон ёзишларга сарфланган экан. Зотан, мазкур маблагга минглаб кишиларга бир неча йиллик хизмат кўрсатадиган тиббий воситалар ёки бошқа усқуналар сотиб олиш ҳам мумкин эди. Ундан нега маблаг низомада кўзда тутилган мақсад йўлида сарфланмаганини сўрадим. У эса «биз берилмаётган маблагларни ўша ҳомий ташкилот кўрсатмасига биноян сарфлашимиз лозим», дея жавоб берди. Дарҳақиқат, қим ҳўқ тўласа мусиқани ҳам шу буюриши бор гап. Биз бунини унутмаслигимиз керак.

Хайдароли ЮНУСОВ, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини ЮНЕСКОнинг Инсон ҳўқуқлари, тинчлик, демократия, барикенглик ва халқаро тушуниш кафедраси катта ўқитувчиси

Халқаро ҳўқуқнинг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро нодавлат ташкилотларининг тегишли мамлакатдаги ваколатхоналари ва филиаллари ўша давлатнинг қонунларига мувофиқ фаолият кўрсатишга мажбур. Яъни, уларнинг низомида белгиланган фаолият йўналишлари миллий қонунчилик талабларига бўйсунуши лозим. Лекин, аксарият ҳолатларда, муайян сиёсий мақсадлар билан кел-

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ЁКИ ЮНОНЧА РИВОЯТНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

давлатлари маблаг ҳисобига ташкил этилмоқда. Иккинчиси, нодавлат ташкилотлари турли ташки қилар таъсирини қўшиб қўлмақда. Бошқача айтганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали ёш мустақил давлатларни ичидан емириш, ўз измига солишга уринишлар бўлапти.

Қузатишлар шунини кўрсатмоқдаки, ёш мустақил давлатларга мафкуравий таъсир кўрсатишда асосан унча усулдан фойдаланилмоқда. Уларнинг биринчиси, ҳар томонлама тақомиллашган ахборот воситалари орқали кен қўлмадаги ахборот майдонини қўлга кириштириш ва «ғоявий юриш»ни амалга ошириш. Ғоявий иммунитетни заифроқ минтақа ва мамлакатларда бу усул тез ва унумли самара беради. Аксинча ҳолатларда, иккинчи усул — нодавлат нотижорат ташкилотлари қўйнига қўл солишга тўғри келади. Бундан кўзланган мақсад нодавлат жамоат ташкилотларига моддий ва сиёсий қалқон бўлиб хизмат кўрсатиш орқали ўз томонига одириш ва уларнинг қўли билан мавжуд сиёсий тизимни издан чиқариш. Ва ниҳоят учинчиси, ҳис-ҳиссийта тўла ёшлар онгини жозибали голяра билан забт этиш ва уларни янги афвакқоққа олиб олиш.

Сир эмас, ўтиш даврини бошидан кечириётган давлатларда жамоат ташкилотлари иқтисодий-молиявий муаммоларга дуч келади ва вазиятдан чиқилишнинг йўлини топишга уринади. Бу эса, ўзларини гоьтада беғараз қилиб кўрсатадиган ташкилотларнинг кўнги кўнги муудоқдор. Бу ҳам иш бермаган ҳолатда, «ҳомийлар» яна бир унумли восита — халқаро нодавлат ташкилотлари, фонд-

давлатлари маблаг ҳисобига ташкил этилмоқда. Иккинчиси, нодавлат ташкилотлари турли ташки қилар таъсирини қўшиб қўлмақда. Бошқача айтганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали ёш мустақил давлатларни ичидан емириш, ўз измига солишга уринишлар бўлапти.

Қузатишлар шунини кўрсатмоқдаки, ёш мустақил давлатларга мафкуравий таъсир кўрсатишда асосан унча усулдан фойдаланилмоқда. Уларнинг биринчиси, ҳар томонлама тақомиллашган ахборот воситалари орқали кен қўлмадаги ахборот майдонини қўлга кириштириш ва «ғоявий юриш»ни амалга ошириш. Ғоявий иммунитетни заифроқ минтақа ва мамлакатларда бу усул тез ва унумли самара беради. Аксинча ҳолатларда, иккинчи усул — нодавлат нотижорат ташкилотлари қўйнига қўл солишга тўғри келади. Бундан кўзланган мақсад нодавлат жамоат ташкилотларига моддий ва сиёсий қалқон бўлиб хизмат кўрсатиш орқали ўз томонига одириш ва уларнинг қўли билан мавжуд сиёсий тизимни издан чиқариш. Ва ниҳоят учинчиси, ҳис-ҳиссийта тўла ёшлар онгини жозибали голяра билан забт этиш ва уларни янги афвакқоққа олиб олиш.

Сир эмас, ўтиш даврини бошидан кечириётган давлатларда жамоат ташкилотлари иқтисодий-молиявий муаммоларга дуч келади ва вазиятдан чиқилишнинг йўлини топишга уринади. Бу эса, ўзларини гоьтада беғараз қилиб кўрсатадиган ташкилотларнинг кўнги кўнги муудоқдор. Бу ҳам иш бермаган ҳолатда, «ҳомийлар» яна бир унумли восита — халқаро нодавлат ташкилотлари, фонд-

ЎЗХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон ХДП Беруний туман кенгашида «Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларнинг ечими» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши маърузачилари, шаҳар ва туман кенгаши раислари, партиядан сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши, халқ депутатлари Беруний, Тўртқўл, Элликқала туман Кенгаши раислари, туман ташкилотлари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этдилар.

Семинарда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Насимқул Каримов маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар — Жўқорги Кенгес кўмити аъзоси, ЎЗХДП депутатлар фракцияси раиси С.Авезматов, туман марказий касалхонаси шифокори, Жўқорги Кенгес депутати Б.Уразалиев, Беруний туман ҳокимлиги бош мутахассиси Б.Оразбоев, 30-мактаб директори, Жўқорги Кенгес депутати Н.Шамуратов ва бошқалар. Ўзбекистон ХДП V қурултойи партияни ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлганлигини алоҳида таъкидладилар.

Эндиликда дастурий мақсад ва вазифаларни бажариш учун ҳамда электрат манфаатларини ҳимоя қилишга астойдил киришилди. Аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим шартли бўлган бандлик масаласини ҳал этиш партия олдидagi муҳим вазифалардан биридир. Партияимиз Дастурида «Иш ва фаровонлик — барча учун!» шиори илгари сурилган. Бундай долзарб вазифаларни ечишда ҳеч ким, авваламбор маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ҳам четда турмаслиги керак.

Мамлакатимиз Президентининг аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлари Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига мос тушди. Мана шу ҳўжатларнинг жойларда бажарилишини таъминлаш бораидаги ижобий ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан депутатлар гуруҳлари, партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Уларни амалга оширишнинг йўли-йўриқлари белгилаб олинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БИЗНЕС УЧУН БАРҚАРОРЛИК МУҲИМДИР

Ўтган йил май ойида Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи давомида Кореянинг кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси Ким Ёнг Гу Тошкентда бўлиб ўтган бизнес-анжуманда Жанубий Кореянинг тўрт етакчи иқтисодий ташкилоти билан иштирок этиб, унга раислик қилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ушбу мамлакатга амалга оширган сўнгги ташрифи давомида Ким Ёнг Гуга Сеулда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Корея бизнес-анжуманига ҳам раислик қилиш ишончи билдирилди.

— Ўзбекистон Президентининг бизнес-анжумандаги чиқиши иштирокчиларда ўчмас таассурот қолдирди, — деди Ким Ёнг Гу. — Айниқса Президент Ислам Каримов тadbирда йиғилганларга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раиси этник корейс миллати вакили В.Тяни таништирган лаҳзани ҳаммамиз яхши эслаймиз. Бу албатта, республикангизда корейслар ўзларини қандай ҳис этаётгани ва қандай имкониятлардан фойдаланиб яшаётганларидан ёрқин мисолдир, албатта.

Бизнес-анжуман менинг жамоадоларим учун жуда фойдали бўлди. Ушбу тadbирда тақдим этилган республика иқтисодий ва сармоёвий салоҳияти ҳамда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисидаги материаллар, Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон ва ҳеч қимга қарам бўлмайди» китоби ҳамда Ўзбекистонлик иштирокчиларнинг чиқишлари корейс ишбилармонлариға мамлакатингизни янада яхшироқ билишлари ва бу ерда

яхши иш юритишлариға имконият яратди. Кореялик ишбилармонлар Ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдирмоқдалар ва бу ҳамкорлик истиқболли бўлишиға умид боғлайдилар. Президент Ислам Каримов ишбилармонлар билан бўлган учрашувида қаердаки барқарорлик, манфаатдорлик, дивиденд ва сармоё аниқ кафолатланган бўлса, бизнес ва сармоё ҳам ўша ерга қараб интилади, деб жуда тўғри айтди.

Шак-шўбхасиз, Ўзбекистон раҳбарининг яқинда Кореяға амалга оширган ташрифидан сўнг корейс ишбилармонлари республика бозоридаги фаолиятларини янада фаоллаштирмоқдалар. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, иқтисодий ислохотлардаги умидли дастурлар — буларнинг барчаси ишбилармонларимизнинг Ўзбекистонда сармоёвий ва ишбилармонлик фаоллигини оширишға хизмат қилади.

«Жаҳон» АА, Сеул



АНДИЖОН. Булоқбоши туманида ҳозир ўндан ортик хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири — Байналминал қишлоғида яқинда иш бошлаган «Хилол» кичик корхонасидир. Хусусий тadbиркор Шарофиддин Жонпўлатов ўз шахсий жамғармаси эвазига ташкил этган мазкур меҳнат

маскани асосан, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришға иктисослашган бўлиб, ушға тушиши билан бу ерда йгирма нафар қишлоқ ёшлари муқим иш жойлари билан таъминланди. Хозирча ойига 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаётган корхонада икки тонна трикотаж полотносидан ўн икки хил турда

ёзги қийимлар тикилмоқда. — Келгусида олинган соф фойда ҳисобидан ишлаб чиқаришни янаям кенгайтириш, замонавий тикув-тўкув дастгоҳлари сотиб олишни ният қилганмиз, — дейди корхонаси раҳбари Ш.Жонпўлатов. Шунда қишлоғимизнинг яна ўттиз нафар ёшлари иш билан таъминланади...

«ХИЛОЛ» — ЯНГИ ИШ ЙЎРИНЛАРИ



Суратларда: корхона раҳбари Шарофиддин Жонпўлатов; илгор тикувчи Фароғат Турсунбоева. Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Навийи шаҳрида ўндан ортик йирик саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорига эга. Жорий йилнинг биринчи чорағида шаҳарда ялпи савдо айланмаси 59,3 миллион АҚШ долларини, шундан 18,9 миллионини экспорт маҳсулотлари ташкил этди. Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча юқори. Четта маҳсулот сотишда Навийи конметаллургия комбинати, «Қизилқуммент», «Навоиязот», «Навийи-электрохимзаводи», «Қизилқум саховати», «Навийи-Аскомж» каби ўнлаб корхоналарнинг салмоқли ҳиссаси бор. Навийилик саноатчилар ишлаб чиқариш салмоғини ошириш билан бирга экспорт маҳсулотлари турини янада қўлайитиришға аҳд қилишган. Йил охиригача аҳд қилинган 145,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Ёрқул УМАР, ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — ХИНДИСТОН:

# АЗАЛИЙ ДЎСТ ВА ҲАМКОР МАМЛАКАТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

1991 йил 26 декабрда Хиндистон биринчилар қаторида Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган, 1992 йил 18 март куни Тошкентда элчихоналар даражасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланган эди. Ушбу йилнинг сентяб-рида Деҳлида Ўзбекистон Республикасининг консулхонаси иш бошлади, 1994 йили у элчихонага айланган. 1988 йил августда Тошкентда очилган Хиндистон Бош консулиги ҳам 1992 йили элчихона макomini олган эди.

Шу пайта қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов дўст мамлакат — Хиндистонда тўрт мартаба расмий ташриф билан бўлди. Уларнинг сўнгиси — давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 4-6 апрель кунларидаги давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари тарихида янги саҳифа очилган. Ташриф давомида имзоланган икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами бунинг ёрқин далилидир.

Мамлакатларимиз парламентлариаро ҳамкорлик алоқалари ҳам кенгайиб бораётди. Утган йил ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов бошчилигидаги мамлакатимиз парламент делегациясининг Хиндистонга ташрифи бу соҳадаги ўзаро алоқалар ривожига сезиларли туртки берди. Худди шу ойда Деҳлида бўлиб ўтган Шимолий ва Марказий Осиёдаги нефть ишлаб чиқарувчи ва уни истъмоқ қиладиган асосий мамлакатлар вазирларининг давра суҳбати ишида Ўзбекистон БШ вазирининг ўринбосари даражасида мамлакатимиз вакили қатнашди. Шу билан бирга, икки мамлакат ташқи ишлар вазирларининг

ўзаро буюрган қатор ташрифларида ҳам мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан эришилган келишувлар ўз самараларини бериб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари орасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар 1997 йил август ойидан бери мунтазам равишда ўтказиб келинади. Ана шундай сиёсий маслаҳатлашувлар айна пайта қадар 7 мартаба бўлиб ўтди.

Икки томонлама ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам шартнома-ҳуқуқий заминга эга. Турли соҳалардаги ҳамкорликни ўзида акс эттирган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 60 та ҳужжат имзоланган. Улар орасида савдо-иқтисодий соҳасидаги муносабатлар алоҳида ўрин тутди. «Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим», «Сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги Битим» ҳамда «Икки томонлама солиққа тортимаслик тўғрисидаги Битим» ана шунлар жумласидандир.

1993-2006 йиллар давомида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хиндистон ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг 6 та мажлиси ўтказилди. Уларнинг охириги 2006 йил 7-8 март кунлари Деҳлида бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида икки мамлакат саъй-ҳаракатлари билан яхши муҳит яратилган. 2004 йили ўзаро товар айланиши ҳажми 38,2 фоизга ошиб 150,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бунда экспорт ҳажми 35,9 фоизга ошган ҳолда 122,9, импорт эса 27,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи савдо айланишидаги ижобий

салдо 95,7 миллион доллар бўлди. 2005 йил якунларига кўра, ўзаро товар айланиши 61,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. 2005 йилги икки томонлама савдо кўрсаткичлари пасайганининг сабаби 2004 йили Хиндистонга Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш биноларида тайёрланган ок ташувчи самолётларни етказиб бериш бўйича йирик шартнома ижроси низоҳатга етгани билан изоҳланади.

Хиндистондан юртимизга, асосан, дори-дармон, органик химиявий бириктувчи моддалар, механик, айрим оптик жиҳоз-усуналар, қорғоз-картон, тамаки, озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида 9 та хинд компания ва ташкилотининг ваколатхонаси рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси маълумотларида қайд этилишича, бугунги кунда мамлакатимизда хинд сармоядорлари иштирокидаги 31 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар фаолиятининг асосий йўналиши халқ ҳўжалиги истеъмоли моллари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, дори-дармонлар ишлаб чиқариш, қурилиш, сайёҳлик, кўтар ва улгурчи савдо соҳаларидан иборат. Икки давлатнинг бу ва бошқа кўпгина соҳалардаги саломатлиги хинд савдо олинган оқилганини кўриш мумкин.

Шўҳрат УМИРОВ,  
«Жаҳон» АА  
сарҳловчиси




## ЭРОН

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эронга ядро дастурини тўхтатиш учун берган муддати тугаб бормоқда. Бироқ Эрон ташқи ишлар вазири Ҳомид Ришо Осиёнинг маълум қилишича, урanni бойитиш ва ядро технологиялари соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар давом эттирилади.

Апрель ойининг бошида Эрон ҳўкумати урanni бойитиш борасидаги ишлар муваффақиятли ўтгани ҳақида хабар берган.

МАГАТЭ эса БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига ҳисобот топшириш керак. Унда Эрон ядро дастуридан воз кечиш шартлари қанчалик амал қиляётгани ақс этади.

Бундан бир кун олдин Эрон расмийлари Москва ва Тегрон Россияда урanni бойитувчи корхонани ташкил этиш борасида деярли келишиб олганини ҳам билдиришди. Эроннинг МАГАТЭдаги вакили Али Асқар Султония эса бу масаланинг фақат техник, ҳуқуқий ва молиявий асосларини аниқлаштириш қолганлигини айтиб ўтди.



## ЖАНУБИЙ КОРЕЯ



Жанубий Корейнинг «Hyundai» автомобил компанияси директорлар кенгаши раиси Чон Мон Гу ноқонуний равишда компания манфаатларини олға суршида айбонланмоқда.

Жанубий Корейнинг бош прокуратураси биносига кириб келгач, Чон Мон Гу Жанубий Корея халқидан уэр сўраб, терговнинг барча саволларига жавоб қайтаришга ваъда берди.

Дунёда етакчи автомобил компаниялардан ҳисобланмиш «Hyundai» раҳбари 1990 йилларнинг охирида сиёсатчи ва расмий шахсларга тўловларни амалга ошириш учун жағмарга ташкил қилганига айбонланмоқда. Бу жағмардан манфаатдор бўлган сиёсатчилар эса компания манфаатларини олға сурган.

Терговчилар Чон Мон Гу ва компаниянинг бошқа вакиллари солиқларни тўламаслик, маблағни талон-тороҳ қилиш ва пора бериш каби жиноятларда айбонланганлиги мумкин.

Терговга «Hyundai» компанияси раҳбарининг ўғли ҳам қақирлиши мумкин экан. У «Hyundai» компаниясининг «Kia Motors» шўбба компаниясини бошқаради. Икки компания Жанубий Корейнинг 70 фоиз автомобиль бозорини назорат қиладди.

## ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ

Халқаро валюта жағмармасига аъзо мамлакатлар бу молия институти бошқарув тизимини ислоҳ қилишга келишиб олишди. ХВЖга кирувчи 184 мамлакат молия ташкилотлари раҳбарлари халқаро жағмарнинг у ёки бу давлатнинг валюта айрибюшлаш сиёсатидаги ролини қучайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишлари керак.

Бундан ташқари, Хитой ва Хиндистон каби иқтисодиёти жадаллик билан ривожланаётган мамлакатларга жағмарга бошқарувда фаолроқ қатнашиш ҳуқуқини бериш ташаббуси ҳам маъқулланди.

1945 йилдан эътиборан ХВЖ Жаҳон банки каби АҚШ, Европа ва Япония муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланарди. Бироқ охириги йиллар давомида бу ташкилотнинг Хитой, Хиндистон ва Бразилия мамлакатлари билан қизиқиши тобора ортмоқда.

## ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТГА!

Қашқадарё вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 17 мартдаги 18-0605/0010 сонли Хал қилув қарори билан банкрот деб эълон қилиниб, тугатилган Шаҳрисабз туманидаги «Кумуш» очик акциядорлик жамиятининг мол-мулк жағмуяси кредиторлар йўналишининг қарорига асосан қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш тартибда сотилади. Ишбу жағмуяни сотиб олишга хоҳиши бўлган харидорларни ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг қафол хати билан қуйидаги манзилга мурожаат этишлари сўралади:

Шаҳрисабз тумани, Пиллакаш қўчаси, 2-уй, «Кумуш» ОАЖ.  
Телефонлар: 522-77-82, 522-63-68 идора, уяли 275-63-02.  
Суд бошқарувчиси Б.Нормуратов

## Қарор ва ижро

# ҲАРАКАТ ХАВҒСИЗЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ҳар бир транспорт воситаси, у хоҳ йўловчи ташувчи бўлсин, хоҳ юк ташувчи, аввало, техник жиҳатдан соз бўлмоғи лозим. Чунки техниканинг созлиги ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асосидир. Шундай эмасми?

— Албатта, йўлда бирор кўнгилсизликка учрамаслик, айниқса, йўловчи ташувчи транспорт хизматидан фойдаланаётган фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш биринчи навбатда айнан техниканинг созлигига боғлиқ.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир автобус ёки такси йўлга чиққан олдин навбатчи механиклар томонидан синчковлик билан кўздан кеқирлиши шарт. Навбатчи механикларнинг ўз ишларини сифатли бажариши кўплав ноҳушликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда айримларнинг назоратида майда-чўйда бўлиб қаринда ҳолатларнинг ҳам аҳамияти катта эканлигини унутмаслик керак.

Ҳозир кўплав хусусий транспорт воситалари эгалари йўловчи ташуви билан шуғулланиб, фуқароларнинг узоғини яқин қилишда кўмаклашмоқда. Бироқ уларнинг транспортда хавфсиз ҳаракатланиши таъминлаш масаласига совуққонлик билан қараётгани ҳам бор гап. Бундай муносабат маълум маънода йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлмоқда.

Президентимизнинг айнан шу соҳани тартибга солиш, аҳолига намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга қаратилган қарорлари талабларини бажариш борасида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан тегишли ташкилот ва идоралар, жумладан, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ходимлари билан ҳамкорликда ҳайдовчилар ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Таъкидлаш лозимки, эндиликда йўловчи ташуви фаолияти билан фақат юридик шахс макюмига эга бўлган ҳолда шуғулланиш мумкин. Бунинг афзаллик томонлари шундаки, энди тадбиркорликнинг ушбу тури билан шуғул-

ланишни ихтиёр этган ҳайдовчилар уошмаларга аъзо бўлади. Юридик шахс макюмига эга ташкилот ва корхоналарга аъзо бўлиш эса 2006 йилнинг 1 июнига қадар республика йўл фондида ўтказилган мажбурий тўловлардан озод этилган ҳолда амалга оширилади. Ҳар қуни йўналишга чиққан олдин ҳайдовчи тиббий, транспорт воситаси эса техник кўридан ўтказилади. Бошқа-ча айтганда, ҳайдовчининг ҳам, транспорт воситасининг ҳам, транспорт воситасининг ҳам қонияти туғилади. Йўловчи хавфсизлигини таъминлаш қафолати ўз-ўзиндан ортади.

Лицензия бериш билан эса пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш шарт. Навбатчи механикларнинг ўз ишларини сифатли бажариши кўплав ноҳушликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда айримларнинг назоратида майда-чўйда бўлиб қаринда ҳолатларнинг ҳам аҳамияти катта эканлигини унутмаслик керак.

Ҳозир кўплав хусусий транспорт воситалари эгалари йўловчи ташуви билан шуғулланиб, фуқароларнинг узоғини яқин қилишда кўмаклашмоқда. Бироқ уларнинг транспортда хавфсиз ҳаракатланиши таъминлаш масаласига совуққонлик билан қараётгани ҳам бор гап. Бундай муносабат маълум маънода йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлмоқда.

Президентимизнинг айнан шу соҳани тартибга солиш, аҳолига намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга қаратилган қарорлари талабларини бажариш борасида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан тегишли ташкилот ва идоралар, жумладан, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ходимлари билан ҳамкорликда ҳайдовчилар ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Таъкидлаш лозимки, эндиликда йўловчи ташуви фаолияти билан фақат юридик шахс макюмига эга бўлган ҳолда шуғулланиш мумкин. Бунинг афзаллик томонлари шундаки, энди тадбиркорликнинг ушбу тури билан шуғул-

ли ташкилотларнинг мутасадди ходимлари иштирокида махсус рейдлар ўтказиляпти. Бундай тадбирлар давомида йўловчи ташуви фаолияти билан шуғулланаётган транспорт воситаларининг техник ҳолатидан то уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига руҳсат беришчи ҳужжатларига текширилмоқда. Аниқланган камчиликларни бар-тараф этиш чоралари қўриляпти.

Аммо, фақат назоратни қучайтириш билан қўзланган натижаларга эришиб бўлмайди. Бунинг учун аввало ҳайдовчилар хизмат кўрсатиш маданиятини оширишлари, йўловчилар ҳам ўзларига намунали хизмат қўрсатилишини, хизматидан фойдаланаётган транспорт воситаларининг техник жиҳатдан соз, озода бўлишини талаб қилишлари лозим.

Шу мақсадда вазирлигимиз томонидан тегишли идоралар билан биргаликда автомобиль транспортда йўловчи ташуви хавфсизлигини ва хизмат кўрсатиш сифатини янада оқсатиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳуусунан, транспорт воситаларининг техник ҳолати, фойдаланиш меъерлари ва қондаларига риоя этилиши устидан самарали назорат ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йил якуни бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили мамлакатимиз йўллариди йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчилар, пивдалар ағри билан содир бўладиган турли ноҳуш ҳолатларни қамайтиришга қарш қураш айна самарали қилиб бориляётганини кўрсатди. Масалан, ўтган йили 23 йўл-транспорт ҳодисаси транспорт воситаларининг техник носозлиги туғайли юз берган. Бунинг оқибатида 10 фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмган ва 25 киши турли даражадаги тан жароҳати олган. Таққосландиган бўлса, олдинги йили транспорт воситаларининг носозлиги туғайли 47 йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 13 фуқаро ҳалок бўлган, 69 киши жароҳатланган.

Тараққуёт жадид илгарилаб бораётган ҳозирги даврда ҳар ишда бўлгани каби, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳам тинмай изланиш, барча имкониятларни ишга солиш талаб этиляпти. Бундай изланишлар ўз самарасини беради, эл-юртимиз тинчлиги ва осийишталлигини, фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладди.

ЎЗА МУХБИРИ  
БЕҲЗОД НОРБОВ  
суҳбатлашди.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 25 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	909,72	1 Малайзия рингити	334,23	1 ЕВРО	1507,25
1 Англия фунт стерлинги	2179,50	1 Польша злотийси	389,39	10 Жанубий Корея воени	12,97
1 Дания кронаси	202,10	1 СДР	1775,88	10 Япония йени	105,44
1 БАА дирхами	332,44	1 Туркия лираси	922,51	1 Россия рубли	44,37
1 АҚШ доллари	1229,94	1 Швейцария франки	958,58	1 Украина гривнаси	241,77
1 Миср фунти	212,34				
1 Исландия кронаси	15,80				
1 Канада доллари	1073,83				
1 Хитой юани	152,34				

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

## Орамиздаги одамлар

# ИЛМ-ФАН ЗАҲМАТКАШИ

Инсонни маънавий етукликка давлат этишининг энг оддий усулларидан бири, ҳаёт йўли бошқарилган ибрат бўладиган кишилардан мисол келтиришдир. Таникли файласуф, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Омонулла Файзуллаев ана шундай инсонлардан. Бу илм-фан заҳматкашини бугун ҳам олим, ҳам файласуф, қолаверса фандаги жумбоқли масалалар бўйича қатор долзарб чиқишлар қилган тажрибали журналист сифатида қўнчилик танийди, ҳўрмат қиладди.

Тошкентнинг Кўкча маҳалласида дунёга келган бўлгуси олим ўрта мактабни тугатгач, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг физика-математика факультетида таҳсил олди. Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши жангларда иштирок этди...

Урушдан қайтгач, турли олий даргоҳларда олий математика, назарий механика, назарий физика фанларидан ёшларга таълим-тарбия берди.

Университетда ўқиб юрган кезларида машҳур алломалардан олган сабоқлари ёш олимда илмга ҳақиқий муҳаббат уй-

ротланди. Шу боис ундаги қизиқиш аста-секин фанда муайян масалалар бўйича тадқиқотлар олиб боришга, шу тарихка янгилик, яратишга ундади. Бу сеър уни умр бўйи тарқ этмади. Бундан бир неча аср муқаддам дунё илмининг чўққиси ҳисобланган Марказий осийлик мутафаккирларнинг қасфиётларини аниқлаш, уларни жаҳон фани тарихидаги ўтган қарийб аҳамиятини кўрсатиш мақсади тадқиқотчиға тинчлик бермади.

Тақдирни қарангки, айнан шу даврда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибиди академик Иброҳим Мўминов ташаббуси билан Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил топди. Унга Омонулла Файзуллаев ҳам ишга таклиф этилди. Ушандан бошлаб ҳозиргача ўтган қарийб асрлик муддат унинг илмий фаолиятини шу даргоҳ билан боғлади.

Илм-фан йўлида чеккан заҳмат ва тинимсиз изланишлар бир кун келиб албатта ўз натижасини беради. Омонулла Файзуллаев ўтган йиллар давомида Ўрта Осиё халқлари фани ва фалсафаси тарихига қатор тадқиқотлар олиб борди. Жумладан, Ал-Хораз-

мий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Али Қўшчи, Мирзо Улўғбек каби буюк алломаларнинг илмий меросини тадқиқ қилиб, бир талай натижаларга эришди.

Олимнинг тадқиқотлари кўп қиррали бўлиб, булар фалсафа тарихи, диалектика назарияси, фан методологияси, табиатшуносликнинг фалсафий масалалари, шажарашунослик каби соҳаларни ўз ичига олган. Бу тадқиқотлар натижалари эса 400 дан ортик монография, тўплам ва мақолалардан батафсил баён этилган. Улардан «Ўрта Осиё фалсафаси ва табиатшунослиги классикларининг асарларида зиддиятлар муаммолари», «Мухаммад Хоразмийнинг илмий ижоди», «Табиатшунослик ва фалсафа», «Фалсафа ва фанлар методологияси», «Ал-Хоразмий, алгоритм ва алгоритмлаштириш» каби асарлар халқимиз маънавий хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган.

Файласуф олим фанни ривожлантириш билан бирга кўплав хоржий давлатларда унжумланган нуфузли халқаро анжуманларда фалсафа, фан тарихи, методология, логика

ва математиканинг қатор муҳим масалаларига доир чиқишлар қилиб, мамлакатимиз фанининг дунё илмий мактаблари олдидаги маъқеи ошишига муносиб ҳисса қўшди. Бундан ташқари, у ҳозиргача кўплав фан доктори ва номзодлари тайёрлаб, мамлакатимизда фалсафанинг миллий мактаби яратилишида баҳолик қудрат ҳисса қўшиб келаётган устозлардан. Домла айни пайтда бир неча илмий кенгашлар аъзоси, фалсафадан докторлик илмий даражаси берувчи ихтисослашган Кенгаш раисидир.

Заҳматкаш олимнинг илмий-педагогик фаолияти ўз вақтида ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, «Дўстлик» ордени соҳиби сифатида ҳозир ҳам бор эътиборини олимнинг янги йўналишларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга қаратиб келмоқда.

Бахтиёр ТўРАЕВ,  
Фалсафа фанлари доктори,  
Шаҳриддин ЖўРАЕВ,  
Фалсафа фанлари номзоди, доцент



# Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки тезкор пул ўтказмаларининг янги

## «ОСИЁ ЭКСПРЕСС»

турини таклиф этади.

Пул ўтказиш Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида амалга оширилади.

Пул ўтказилганлиги учун сумма қанчалигидан қатъи назар 2 фоиз ҳақ тўланади.

Сиз 10 дақиқа ичида бутун республикамиздаги Миллий банк филиали ёки бўйими орқали пул маблағларини жўнатишингиз ёки қабул қилиб олишингиз мумкин.

Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат этинг: 134-14-14 ёки 144-35-56.



Кино

МУЛОҚОТНИ ЯНГИЛАШ ИСТАГИ

Яқинда пойтахтимизда Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия кино-телепублицистлари халқаро анжумани бўлиб ўтди

Экран публицистикаси ҳақида узоқ фикр юритиш, ҳозирги кун учун зарур бўлган илмий-назарий хулосаларга келиш мумкин. Муюқазаларимизнинг кино-телепублицистикага тегишли жойи шундаки, экран ижодкори ҳам образли ифодалари, воқеалар тизimini қуриш санъати, сўз ва тасвирнинг коммуникацион ва эстетик баҳарли олинган им-кониятларини ҳисобга олиб бадий шакл излаши, теран ечимни таъминлаши зарур. Чунки экран тамойиллари ахборот бойлиги, изчиллик, муаллифнинг воқеаларга бўлган муносабати асар сюжетига ўз ифодасини топишни талаб этади.

Бу асарларда бирорта сўз айтилмайди. Езув ҳам диққатингизни бўлмайди, ечим ҳам бир-биридан фарқ қилади. Улар ўртасидаги муштарак нуқталар эса кинокузатиш йўли билан ҳаққоний кадр ва эпизодларни яратишда кўзга ташланади. Санкт-Петербурдан келтирилган катта «Блокада» фильми ҳам шу йўналишдаги асар сифатида диққатимизни тортди. Яқин ўтмиш — иккинчи жаҳон урушининг хунук қурилишларини биргина Ленинград шаҳри мисолида кўрсатмоқчи бўлган кинопублицистлар олти йил муқаддам суратта олинган кадрларни қайта-қайта кўриш, мазмунан ва мантқан асосланган ҳолда уларни монтаж қилиш йўли билан яхлит кинополотно яратган.

Тоғли Бадашоннинг ҳам жисмонан, ҳам қалбдан гўзал қиз-йигитлари, олоқ соқоллари кўксига тушган нуруний мўйсифидлари қиёфаларини кўрганда завқ оламиз. «Муқаддас зиёратгоҳининг муқаддас аъёнлари» деб аталган тўлиқ метражли ушбу публицистик асарни ҳам киночерк, ҳам фильм-тадқиқот, ҳам олий мақсади бўлган манзарали асар сифатида таҳлил қилиш мумкин.

«Помир мадоннаси»да кўшни юртдаги ҳамкасбларимиз болалар қорнини тўйгазиш учун тиним билмай меҳнат қилган, оила уюшқоқлиги ҳақида қайғурган аёлни шунчалик муҳаббат билан суратла олган-ки, уни кўриб хайратланасан. Ёки «Ойна» деб аталган жажжи фильмда хаста онасини доволаш, рўзгорини тебратиш ниятидаги ўн бир асар бола қулаб тушаётган шахтага кириши, кўмир қолдиқларини териси, сўнгра уни озгина пулга сотиб кун қуриши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Таъкидлаймиз: бу ҳаётини кадрлар актёрлари (ёки ҳаваскор ижрочилар) иштирокида, муаллиф тўққан сюжет асосида олинманган. Кинокузатиш, ҳаёт қандай бўлса шундай — барча зиддиятлари, оғир қурилишлари, фожиавий унсурлари ила кўрсатилиши диққатингизни тортди.

Козоқ дўстларимиз «Эйзенштейн Олма отада» деб номланган уч фильмда жаҳон кинематографиясининг ийрик арбоби, олим ва мураббийнинг уруш йиллари Козогистонда бўлгани ҳақида ҳикоя қилганлар. Ушбу воқеага кўп йиллар бўлганига қарамай, у ҳозир интеграцион жараён бўлиб турган даврда ҳам барчани, айниқса ижод аҳлини қизиқтириб келмоқда. Сабаби, миллий маданиятларнинг узаро таъсирини, бадий ижод тажрибасини ижодий ўзлаштириш масалаларини муайян шахслар, буюк Эйзенштейн каби арбоблар фаолиятида кўришга эҳтиёж катталганда. Сергей Михайлович оғир уруш йиллари Олма отада бошлана тоғди, у ерда ўзининг буюк асари — «Иван Грозний»ни суратга олди. Ана шу жараён Эй-

зенштейнни, ўша тарих саҳифаларини билган шахсларнинг ҳикоялари ила маълум жиҳатдан тикланади. Айрим ўринларда эски хроникадан фойдаланилади. Кўпроқ фотосуратлар, сценарийлар саҳифалари намойён бўла боради. Биз бу ўринда бир неча фильмни тилга олдик. Аслида уларнинг сони элликдан ошди. Шундай бўлса-да, ушбу асарлар ҳам муҳим хулосаларга йўл очди: эстетик нормативлардан, андозалардан қутулган кино-телепублицистлар мавзу, қаҳрамон, ижодий услуб танлашида ҳам кино, ҳам томошабин талабларини ҳисобга олмақдалар.

Тадбир

«ЭКОФЕСТИВАЛЬ — 2006»

Бутунжаҳон Ер куну муносабати билан «Экосан» халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Ердеҳизм» Давлат қўмиталари ҳамкорлигида «Узэкспомарказ»да «Экофестиваль — 2006» тадбири бўлиб ўтди.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, хорижий давлатлар дипломатик корпус вакиллари ҳамда олий ўқув юрлари талабалари иштирок этган мазкур экофестивалда «Она замин инъомини» кўрғазмаси республикамиз расмларининг бадий ижод намуналари, гуллардан таркиб толган композициялар намойиши, шунингдек, эстрада юлдузлари иштирокидаги концерт дастури ўрин олди.

Экофестивалда сайерамизда ер ресурсларининг ҳолати ва ундан оқилона фойдаланиш глобал муаммолардан бири бўлиб қолганини алоҳида таъкидланди.

БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастурида келтирилган маълумотларга қараганда, ерларнинг чулланари оқибатида дунё мамлакатлари йилга 42 миллиард АКШ доллари миқдорда зарар кўрмоқда.

Хозирги кунга келиб, ер қуррасида ҳарорат кўтарилиши оқибатида ва табиий чулланаш боис 900 миллион гектардан зиёд экин майдони зарарлан-


ган. Олимларнинг илмий тадқиқотларига қараганда, сайерамизда чулланаш ҳозирги суръатда давом этса, келгуси 30 йил ичида Фарбий Европанинг ярмига тенг бўлган майдонда ерлар қишлоқ ҳўжалигида фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Ер юзидан шу давргача инсон ва табиат ўртасида вуқудга келган номунасоблик натижасида 9,1 миллион квадрат километр майдон чулга айланиб бўлди.

Минтақамизда ҳам саҳраланиш тезлашиб борапти. Маълумотларга қўра, мамлакатимизда 4275,3 минг гектар сугорилмаган ер бўлиб, бу умумий ер майдонининг 10 фоизини ташкил этади. Жўмладан, бу ерларда ялпи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 95 фоизи етиштирилади. Сўнгги 15-20 йилда шўрланган ерлар майдони 0,8 миллион гектарга ортди.

«Экофестиваль — 2006» кўрғазмасида намойиш этилган ўлкаимизнинг бетақор табиатини акс эттирувчи экспонатлар, хусусан, серунум тупроғимизда етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, дарак ва гул қўчатлари, доривор ўсимликлари, турли минераллар коллекциялари, геологик ва қишлоқ ҳўжалиги хариталари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Болалар спорти



БўЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР УЛҒАЙМОҚДА

Бундан уч йил муқаддам Фиждубонда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси сайъ-ҳаракати билан янги болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилган. Ҳозир бу ерда шаҳар ва унга яқин қишлоқлардан қарийб 500 нафар бола спортнинг 13 тури билан мунтазам шугулланыпти. Айниқса, бадий гимнастика, каратэ, миллий қураш, бокс тўғралакларига иштиққмандлар сони кун сайин

ошапти. Юлия Козлова, Сўҳроб Давронов, Ботир Раҳимов, Ирода Йўлдошева, Фурқат Қозоқов сингари таниқли мураббийлар меҳнати самараси етишиб чиқаётган ёш чемпионлар тимсолида намойён бўлаёттир. — Маҳмуда 7-болалар ва ўсимлар спорт мактаби тарбияланувчилари ҳам ўз маҳоратларини оширяптилар, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими бош мутахассиси Самад Норов. —

Сирасини айтганда, бутун туманда қарийб 30 минг нафар ўғил-қиз спортнинг у ёки бу турига жалб этилган. Уларга 246 мураббий бириктирилган. Шу боис, туманда турли спорт турлари бўйича ўнлаб Ўзбекистон ва Осиё чемпионлари етишиб чиқмоқда.

**Даврон БАҲРОНОВ**  
Суратларда: «Фиждубон» болалар спорт мажмуи тарбияланувчилари.  
**Шавкат АКРАМОВ** олган суратлар

ОФИР АТЛЕТИКА: ОСИЁ КУБОГИ ФОЛИБЛАРИ

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари спорт коллежида оғир атлетика бўйича Осиё кубоги бахслари бўлиб ўтди. Унда Эрон, Жанубий Корея, Хитой, ҚХДР, Кувайт, Ироқ, Қозогистон сингари қитъамизнинг ўн тўрт давлати вакиллари голиблик учун кураш олиб бордилар.

Қарийб бир hafta давом этган бахсларни ёшлар ўртасида уюштирилган IV Осиё кубоги мусобақалари бошлаб берди. Унда вакилларимиз икки таркиб билан иштирок этди. Йигитлар саккизи (56,62,69,77,85,94,105 ва +105 кг.) вази тоифасида майдонга чиққан бўлса, қизлар эса етти (48,53,58,63,69,75 ва +75кг.) вази бўйича ўз омадларини синая кўрдилар. Мурасасиз кечган бахслар якунида ёш оғир атлетикачиларимиз 12 та олтин, 16 кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида Эрон вакилларидан кейин иккинчи поғонани банд этти.

Йигитлар ўртасида ҳамюртларимиз 56 кг. ҳамада 62 кг. дан ташқари барча вази тоифасида уюштирилган бахсларда фаол қатнашишди. Силтаб ва даст кўтариш бахсларида 350 килограмм натижани қайд этган Осиё чемпиони, Афина олимпиадаси қатнашчиси Фурқат Саидов (94 кг.) ўз вази тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, иккикураш бахсларида йилдан йил маҳорати ошиб бораётган Руслан Алпанов (69 кг.) 280 килограмм, Саломат Нуруллоев (77 кг.) 305, Искандар Маминбеков (105 кг.) 346 килограмм


кўрсаткични забт этиб, шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

— Бундай йирик мусобақанинг юртимизда ўтказилиши мамлакатимизда оғир атлетиканинг янада оммавийлашишига хизмат қилади, — дейди мураббий Шайх Шаназаров. — Айниқса, қизларимиз эришган натижалари мутахассисларимизни қолдирди. Махлуё Тоғоева (53 кг.), Елена Асланова (58 кг.), Наталья Мельникова (75 кг.), Камола Чирмашева (+75 кг.)лар ўз вази тоифаларида олтин медалларни қўлга киритиб, қизларимиз умумжамоа ҳисобида Фахри биринчи ўринни эгаллашга таъминлади.

Катталар ўртасида уюштирилган VII Осиё кубоги бахслари ҳам муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. Эронлик икки карра Олимпия, олти бора жаҳон чемпиони Хусайн Ризозода (+105 кг.) ҳамда Кум Чол Панг (69 кг. ҚХДР), Уланбек Молдодосов (85 кг., Қозогистон) сингари жаҳон чемпиони совриндорларининг ташрифи мусобақа нуфузини янада ошириб юборди.


Спорт

ВЛАДИМИР КЛИЧКО — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Украиналик Владимир Кличко ўта оғир вазили боксчилар ўртасида IBF йўналиши бўйича янги жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди. Германиянинг Маннхейме шаҳрида ўтказилган жағда Владимир рақиб америкалик Крис Берднинг техник нокаут билан мағлубиятга учратди. Владимир уч йил аввал Корри Сандерсон энглиб, ана шу ўнвонни бой берган эди. Бу галги жангнинг биринчи раунди ўта эҳтиёткорлик билан ўтди. Иккинчи раунддан бошлаб Кличконинг қўли баландлиги сезилиб турди. Украиналик боксчи рақибини оралик ма-софани сақлаган ҳолда таъкиб қилиб, қучли зарбалар бера бошлади. Бешинчи раундда эса Владимирнинг қучли зарбасидан кейин Берд ноқудан ҳолига тушди, лекин жангни давом эттирди. Еттинчи раундда Берд яна йўқилди. Ҳакам Веин Келли учрашувни тўхтатиб, Кличконинг қўлини кўтарди.

Эслатамиз, 2000 йилнинг октябрь ойида ҳар иккала боксчи ўзаро учрашган, ўшанда ҳам ҳамкамлар Владимир галаба қозонган эди. «Берд олти йил аввалгига қараганда анча ўзгарибди», — дейди Кличко.



Суратда: мусобақа кумуш медали совриндори Игор Халилов.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur GODOIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur GODOIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur GODOIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot
Ma'naviyat va ma'rifat
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
Parlament va huquq
Ekologiya va salomatlik
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
Xatlar va ommaviy ishlar
Reklama va e'lonlar

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda
Buxoroda
Gulistonda
Jizzaxda
Navoiyda
Namanganda
Nukusda
Samarqandda
Urganchda
Farg'onada
Termizda

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikmromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

11276 nusxada bosildi

1 - Tuzatuv matniga

O'zA yakuni — 21.20

Topshirish vaqti — 22.00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda

«ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАХСУЛОТЛАРИ УЛГҲРЖИ БОЗОРИ» ОАЖ

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгўржи бозори» ОАЖ фаолияти юзасидан маълумотлар ҳақида хабар

Хабарнинг тартиб рақами — 07
«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгўржи бозори» ОАЖ Кузатув Кенгаши жамият акциядорларининг навбатдан ташқари мажлиси 2006 йил 4 май соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгўржи бозори» ОАЖ маъмурий биносида бўлишини маълум қилади.

Кун тартибига қўйилган масалалар:

- 1. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгўржи бозори» ОАЖ томонидан Тошкент шаҳар аҳолисини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш ва тайёрлаш учун кредит олиш.
2. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгўржи бозори» ОАЖ ҳудудида Тошкент шаҳар ҳокимияти маблағи ҳисобига қўрилган ва

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиши бош бош қармасига берилган майдонда бузилган, умумий қиймати 6119876 сўм бўлган дебаркадер ва асфальт қопламаларини Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳисобидан чиқариши.

3. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгўржи бозори» ОАЖ Тафтиши комиссияси аъзоларини сайлаш

Жамият акциядорларининг реестри 2006 йил 24 апрель ҳолатига ёпишган.

Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки шончнома асосида соат 10.00 гача рўйхатга олинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 195-96-52
Кузатув Кенгаши

ХЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

ЎЗБЕКISTON БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ» МЧЖ

томонидан 2006 йил 18 апрель кунини ўтказилган аукцион савдоларида Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани суд ижрочилари бўлинимаси томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Ийк-ота ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «INTERMASH» МЧЖга қарашли ёрдамчи бино (литер-Ф, умумий майдони 478,5 кв.м.) ва цех биноси (литер-У, умумий майдони 548,34 кв.м.) бўлган объект 5 020 000 сўмга сотилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.

СОҒЛИКНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАЛАРИ, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Анджон давлат тиббиёт институтига 2005-2006 ўқув йилида таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида тахсил олган битирувчиларни ишга тақсимлаш ҳақида маълумот.

- I. Магистратура йўналишлари бўйича:
1. Кардиология — 1 та, Наманган вилояти.
2. Ички касалликлар (терапия) — 1 та, Наманган вилояти.
3. Жарроҳлик — 1 та, Наманган вилояти.
4. Онкология — 1 та, Наманган вилояти.
5. Акушерлик ва гинекология — 1 та, Андижон шаҳри.
6. Нейрожарроҳлик — 1 та, Андижон тумани.
7. Болалар жарроҳлиги — 1 та, Андижон шаҳри.
8. Педиатрия — 1 та, Андижон шаҳри.
9. Болалар оқулми касалликлари — 1 та, Андижон тумани.
II. Даволаш факультети бўйича — 68 та.
Шу жумладан вилоятлар бўйича:
Анджон — 29 та, Фарғона — 24 та, Наманган — 15 та.
III. Педиатрия факультети бўйича — 107 та.
Шу жумладан вилоятлар бўйича:
Анджон — 37 та, Фарғона — 45 та, Наманган — 24 та, Сурхондарё вилояти — 1 та.
IV. Олий малакали ҳамширалик иши бўйича — 12 та.
Шу жумладан вилоятлар бўйича:
Анджон — 8 та, Фарғона — 2 та, Наманган — 2 та.

Институт маълумоти